



Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения  
бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 10.10.2022 г. № 10/10  
между "QALIYA G'ISHT" ХК и ЖШХ Обод. бош.  
на общую сумму 988 000 000,00

Глава

Казначейский лицевой счёт

110

100022860084017065100110001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4332900			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь	988 000 000,00			988 000 000,00
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>988 000 000,00</b>			<b>988 000 000,00</b>

Всего 988 000 000,00 сум

Девятьсот восемьдесят восемь миллионов сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 296 400 000,00 сум или 30,00%\*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в Октябрь месяце 2022 года.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца.  
(Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



М.П.

А.Қобилов

Ф.И.О.

(подпись)

Главный бухгалтер заказчика

Д. Рахмонов

Ф.И.О.

(подпись)

Принял работник казначейского  
подразделения

Получил работник  
заказчика



«\_\_\_» 20 г.

«\_\_\_» 20 г.

(подпись)

## № 10/10 - сонли пудрат шартномаси

Жиззах шаҳри

“ 10 ” Октябрь 2022 йил

Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари А.Қобилов ва "QALIYA G'ISHT" ХК (кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Ж.Турсунбоев мазкур шартномани қуидагилар хақида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳак тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган қуидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

**Ўзбекистон темир йўллари Жиззах шаҳар худуди “Улутбек” МФЙ қисмини ахоли томонини ўраш (4 метрлик темир девор) ишлари.**

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 йил “ 10 ” Октябрга қадар пудратчига зарурий лойиҳа-смета хужжатлари, тёхник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материаларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастребни 30% аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 30 кун ичida амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

### 2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30%и миқдорида бунак туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охирги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

**2.2. Мазкур шартнома Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.**

### 3. Тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойиҳага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган маҳсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани түғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараённида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичida текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объекtnи қўриклиш бўйича зарурий чоратадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

#### 3.2. Пудратчи қуидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳак тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

#### 3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганини ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичida ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул

килиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишилар ёки ишлардаги камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилиб, хисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

#### 3.4. Буюртмачи қўйидаги хукуқларга эга:

3.4.1. Хар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар кисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўргасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

### **4. Шартноманинг баҳоси ва хисоблашишлар тартиби**

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **988 000 000,00** (Тўққиз юз саксон саккиз миллион) сўм,

шу жумладан **128 869 565,22** сўм **15%** микдорида ҚҚСни ташкил қиласди.

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган хисоб-китоб хисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан оширилади.

### **5. Тарафларнинг жавобгарлиги**

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига кечикирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

### **6. Форс-мажор холатлари**

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий оғатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид карорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиги бўлиб хисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

### **7. Низоларни ҳал этиш тартиби**

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни иқтисодий судда кўриб чиқишига топширадилар.

### **8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби**

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равищда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзоланиб, Фазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сунг ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, стказилган заарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қуидаги ҳолларда шартномани бекор килишга ҳақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома щартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи кўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича курилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргалиқдаги қарори буйича шартнома бекор килинганда, буюртмачига тугатилмаган курилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми кийматини тулайди.

8.6. Шартномани бекор қилишга қарор килган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 9. Якуний қоидалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, Ғазначилик органларида рўйхатдан утгандан сунг ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартнома иккى нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва teng кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартнома юнг бир нусхаси мавжуд.

9.3. Шартномага

илова

## 10. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

### «Пудратчи»

#### “QALIYA G’ISHT” ХК

(Пудратчининг номи)

Манзил: Жиззах в. Жиззах ш.

Қалия маҳ. А.Сайдуллаев кўча 2 уй

Тел./факс: +99891-197-15-17

(х/в ёки ш/х): 20208000904778934001

Банк номи: АТБ “Қишлоққурилишбанк” Бош. Амал  
ИНН: 301 179 511

МФО: 01037

ИФУТ: 16152

Рахбар: Ж.Турсунбоев  


имзо  
М.У.

Хукуқишунос:

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

### «Буюртмачи»

#### Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси

(Буюртмачининг номи)

Манзил: Жиззах в. Жиззах ш.

Сангзор маҳ. Тоғлиқ кўча 10 уй

Тел./факс: +99872-222-40-54

ш/х: 100022860084017065100110001

ИНН: 201 433 199

ИФУТ: 90211

Ғазначилик бўлинмаси номи

Жиззах шаҳри бўйича Ғазначилик бўлинмаси

ЯФХ: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент  
шаҳар бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса  
маркази (ХККМ)

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРИ: 201 122 919

Буюртмачи

Рахбари: А.Кобилов

имзо  
М.У.

Гув-ма №

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

RQ0533427825

- 1. Loyihaning turi : Shartnoma**
- 2. Loyihaning nomi: O‘zbekiston temir yo‘llari Jizzax shahar xududi “Ulug‘bek” MFY qismini axoli tomonini o‘rash (4 metrlik temir devor) ishlari**
- 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Jizzax shaxar obodonlashtirish bo‘limi tomonidan 10.10.2022 yilda kiritilgan.**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Jizzax shaxri  
yuridik markaz  
yuriskonsulti:**



**A.A.MAMATOV**

10.10.2022

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI



YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestr № 4170

Guvochnoma № 4170

2011 yil « 28 » iyun

Mazkur guvochnoma Jizzax shahar hokimligi huzuridagi tadbirkorlik sub'yektlariga  
davlat xizmatlari ko'rsatish yagona darcha markazi tomonidan yuridik shaxs  
“QALIYA G'ISHT” xususiy korxonasi

ga berildi.

Tashkiliy-huquqiy shakli:

THSHT(ОПФ)

1010

Mulkchilik shakli:

MSHT (ФС)

114

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:

MHBT (COATO)

1708401

Yuridik shaxs kodи:

КТУТ (ОКПО)

22667035

Asosiy faoliyat turi:

XXTUT (ОКОНХ)

16152

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami:

STIR (ИИН)

301 179 511

Qo'shimcha ma'lumotlar: Avval 2009 yil 11 may kuni № 002729 sonli reestr raqam bilan

ro'yxatdan o'tkazilgan.



Vakolatli organ rahbari:



**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 156815 на приобретение Ўзбекистон темир йўллари Жиззах шаҳар худуди "Улуғбек" МФЙ қисмини ахоли томонини ўраш (4 метрлик темир девор) ишлари.**

Способ проведения электронный

Дата 05.10.2022

Время рассмотрения 05.10.2022 17:48

Закупочная комиссия Жиззах щаҳар хокимлиги хузуридаги ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	AХMEDOV GAFURJON ABDULLAYEVICH	Бош мухандис (Комиссия раиси)	Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Секретарь комиссии</b>	SIНDOROV XUSNIDDIN ABDURAXIM O'G'LI	Етакчи мутахассис (Комиссия котиби)	Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	RAXMANOV DILSHOD IBRAGIMOVICH	Бош ҳисобчи (Комиссия аъзоси)	Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	ISLOMOV SHUXRAT OLIMOVICH	Бош иқтисодчи (Комиссия аъзоси)	Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	QAYUMOV AKBAR ABDURAJABOVICH	Бошлиқ ўринбосари (Комиссия аъзоси)	Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	ALISHEV UBAYDULLA MУMINOVICH	Техник назоратчи (Комиссия аъзоси)	Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 05.10.2022 года № лота 156815.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 98.00 / Весовой коэф. ценовой части: 2.00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по установке ограждений
Подробное описание	Ўзбекистон темир йўллари Жиззах шаҳар худуди "Улуғбек" МФЙ қисмини ахоли томонини ўраш (4 метрлик темир девор) ишлари. (100022860084017065100110001 ст 4332900 )
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	988 672 481.00
Стартовая сумма	988 672 481.00

Валюта	UZS
--------	-----

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

**Критерий №1 Танловда иштирок этадиган корхонанинг маҳсус техникалари тугрисида маъулмот**

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг маҳсус техникалари тугрисида маъулмот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КАЛИЯ ГИШТ ХК	20	Жамиятимиз курилиш ва таъмиглаш учун мулжалланган 20 га якин маҳсус техникаларига эга. Маълумот илова килинади	19	Экспертная		
EVRO SPORT STROY	20	980500000	16	Экспертная		
DEVERS STROY - DS M.CH.J.	20	Транспорт буйича маълум от илоа килинади	18	Экспертная		

**Критерий №2 Танловда иштирокчиси ушбу курилишни урганганилиги тугрисида маъулмот**

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирокчиси ушбу курилишни урганганилиги тугрисида маъулмот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КАЛИЯ ГИШТ ХК	20	Жамиятимиз томонидан малакали мутахасислар билан биргаликда курилиш ва таъмилаш обьектига бориб тулик иш билан урганиб чикилган.	20	Экспертная		
EVRO SPORT STROY	20	980500000	13	Экспертная		
DEVERS STROY - DS M.CH.J.	20	Барча ишларни урганим чикганимиз	17	Экспертная		

**Критерий №3 Танловда иштирок этадиган корхонанинг умумий маълумотлари (айланма маблаг, гувохнома, низом ва шунга ухшаган бошка маълумотлар)**

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг умумий маълумотлари (айланма маблаг, гувохнома, низом ва шунга ухшаган бошка маълумотлар)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КАЛИЯ ГИШТ ХК	20	Жамиятимиз давлат рухвидаң утганлиги түгрисінде Гувохнома вә Низом, Раҳбар паспорты хамда айланма маблаг руйхати илова килинади	20	Экспертная		
EVRO SPORT STROY	20	980500000	17	Экспертная		
DEVERS STROY - DS M.CH.J.	20	Барча маълумотла тақдим этилади	20	Экспертная		

Критерий №4 Кафолат хати (Ишларни таклиф қиймати, топшириш муддатини кўрсатиб тасдиқлаган ҳолда бажариш муддати кўрсатилган холда)

Тип: Текстовое значение

Описание: Кафолат хати (Ишларни таклиф қиймати, топшириш муддатини кўрсатиб тасдиқлаган ҳолда бажариш муддати кўрсатилган холда)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КАЛИЯ ГИШТ ХК	20	Жамиятимиз томонидан барча курсатилган курилиш ва таъмирлаш ишларини уз вактида бажаришга кафолат берамиз	20	Экспертная		
EVRO SPORT STROY	20	980500000	17	Экспертная		
DEVERS STROY - DS M.CH.J.	20	Барча ишларни уз вактида сифатли бажариб беришшга кафолат берамиз	18	Экспертная		

Критерий №5 Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари түгрисида маъулмот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари түгрисида маъулмот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КАЛИЯ ГИШТ ХК	20	Жамиятимизда доимий ишлайдига 45 га якін ишчи ходимлар иш фаолиятини олиб боради	20	Экспертная		
EVRO SPORT STROY	20	980500000	15	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
DEVERS STROY - DS M.CH.J.	20	Доимиий ишчилар маълумоти тақдим этилади	20	Экспертная		

Критерий №6 Соликдан карздорлиги йук тугрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Соликдан карздорлиги йук түгрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КАЛИЯ ГИШТ ХК	20	Жамиятимиз солик ва бошка мажбурий туловлардан кариздорлиги мавжуд эмас. Маълумотнома илова килинади	20	Экспертная		
EVRO SPORT STROY	20	980500000	20	Экспертная		
DEVERS STROY - DS M.CH.J.	20	Солик ёа бошка туловлардан кариздорлик йук. Маълумот тақдим этилади	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
КАЛИЯ ГИШТ ХК	988 672 481.00	988 000 000.00 UZS	988 000 000.00	0.00	988 000 000.00	29.09.2022 15:20:42	1.98482
EVRO SPORT STROY	988 672 481.00	980 500 000.00 UZS	980 500 000.00	0.00	980 500 000.00	03.10.2022 17:50:56	2
DEVERS STROY - DS M.CH.J.	988 672 481.00	988 222 000.00 UZS	988 222 000.00	0.00	988 222 000.00	05.10.2022 16:29:50	1.98437

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
КАЛИЯ ГИШТ ХК	97.18366	1.98482	99.16848
EVRO SPORT STROY	80.03365	2	82.03366
DEVERS STROY - DS M.CH.J.	92.28365	1.98437	94.26803

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 156815 от 05.10.2022 года на приобретение

Ўзбекистон темир йўллари Жиззах шаҳар худуди "Улуғбек" МФЙ қисмини ахоли томонини ўраш (4 метрлик темир девор) ишлари определила победителем:

КАЛИЯ ГИШТ ХК  
301179511

и резервный исполнитель: DEVERS STROY - DS M.CH.J. (308930094)


Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	AXMEDOV GAFURJON ABDULLAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	RAXMANOV DILSHOD IBRAGIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	ISLOMOV SHUXRAT OLIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	QAYUMOV AKBAR ABDURAJABOVICH	Согласен	
Член комиссии	ALISHEV UBAYDULLA MUMINOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

# «ТАСДИҚЛАЙМАН»

Жиззах шаҳар хокимлиги  
хузуридаги Ободонлаштириш  
бошқармаси бошлиғи

  
 А.Кобилов  
 «10» 10 2022 йил  
 Жиззах шаҳри

«10» Октябрь 2022 йил

## Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси танлов ҳайъатининг навбатдаги танлови ўтказилганлиги бўйича

### МАЖЛИС БАЁННОМАСИ

Жиззах шаҳар хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил 11 январдаги № 5-сонли буйруғи хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4812-сонли қарорига аёсан тасдиқланган танлов ҳайъати аъзолари куйидаги таркибда қатнашдилар:

Ғ.Ахмедов

- Бошқарма бош мухандиси, танлов ҳайъати раиси

### ҲАЙЪАТ АЪЗОЛАРИ

А.Қаюмов

- Бошқарма бошлигининг ўринbosари, ҳайъат аъзоси

У.Алишев

- Бошқарма техник назоратчisi, ҳайъат аъзоси

Д.Рахмонов

- Бошқарма бош ҳисобчisi, ҳайъат аъзоси

Ш.Исломов

- Бошқарма бош иқтисодчisi, ҳайъат аъзоси

### КУН ТАРТИБИ:

Кун тартибида ҳайъат раиси Ғ.Ахмедов сўзга чиқиб келгуси ойда Жиззах шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси учун зарур бўлган товар, иш хизматларни сотиб олиш учун 10 кун олдин товар хом-ашё биржасига эълон талабнома бериш зарурлигини ва ушбу рўйхатни танлов ҳайъати томонидан тузиш таклифини хамда ушбу рўйхатни маҳсус порталга киритишга маъсул қилиб Бош ҳисобчини танлаш таклифини ўртага ташлади.

Кун тартибидаги масала юзасидан ҳайъат раиси Ғ.Ахмедов сўзга чиқиб, Ўзбекистон темир йўллари Жиззах шаҳар худуди “Улуғбек” МФЙ қисмини ахоли томонини ўраш (4 метрлик темир девор) ишларини бажариш учун Бош ҳисобчи томонидан 28.09.2022 йилда берилган.

№	Товар (иш, хизмат)лар номи	Суммаси
1	Ўзбекистон темир йўллари Жиззах шаҳар худуди “Улуғбек” МФЙ қисмини ахоли томонини ўраш (4 метрлик темир девор) ишлари	988 672 481

Бажариладиган ишлар учун берилган лот рақами 22110012156815 бўлган талабномага бир қатор ташкилотлар томонидан таклифлар тушганлигини ва энг яхши таклиф берган ташкилотларни танлаб олишимиз зарурлигини маълум қилди. Ҳайъат аъзоси У.Алишев сўзга чиқиб йигилганларни ўз хизматларини таклиф этган ташкилотлар билан батафсил таништириб чиқди.

28.09.2022 йилда лот рақами 22110012156815 бўлган талабномага таклиф берган ташкилотлар қўйидагилар

№	Товар (иш, хизмат)лар номи	Буюртмачининг бошланғич нархи	«QALIYA G'ISHT» XК	«DEVERS STROY-DS» МЧЖ	«EVRO SPORT STROY» МЧЖ
1	Ўзбекистон темир йўллари Жиззах шаҳар худуди “Улуғбек” МФЙ қисмини ахоли томонини ўраш (4 метрлик темир девор) ишлари	988 672 481	988 000 000	988 222 000	980 500 000

Ушбу таклифларни йигилиш қатнашчилари атрофлича ўрганиб чиқиб

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ**

1. Ўзбекистон темир йўллари Жиззах шаҳар худуди “Улуғбек” МФЙ қисмини ахоли томонини ўраш (4 метрлик темир девор) ишларини бажариш учун «QALIYA G’ISHT» ХК танлансин.
2. Голиб чиқсан ташкилот билан бошқарманинг 100022860084017065100110001 бўлган ШХВ орқали шартнома тузиб хужжатларини расмийлаштириш хамда маблағларни белгиланган тартибда ўтказиб бериш келгуси ой учун зарур бўлган иш хизматлар учун маҳсус порталга эълон талабнома бериш бошқарма Бош хисобчиси Д.Рахмонов зиммасига юклатилсин.
3. Ўзбекистон темир йўллари Жиззах шаҳар худуди “Улуғбек” МФЙ қисмини ахоли томонини ўраш (4 метрлик темир девор) ишларини белгиланган тартибда қабул қилиш бошқарма Техник назоратчиси У.Алишев зиммасига юклатилсин.

*Шу кунгача 22110012156815 лот асосида бошқа талабгорлардан эътиroz ва шикоятлар келиб тушимади.*

*Йигилиши хайъати раиси*

Г.Ахмедов

*Хайъат аъзолари*

А.Қаюмов

У.Алишев

Д.Рахмонов

Ш.Исломов

# ТИТУЛНЫЙ СПИСОК СТРОЙКИ

## Раздел I Основные данные по стройке

1. Наименование и местонахождение стройки	Жиззах шахар Ободонлаштириш бошқармаси	Г.Джиззак
2. Заказчик	ООО «SANGZOR QURLISH LOYINA»	
3. Разработчики	«SHAHARSOZLIK NIZMATLARI EKSPERTIZASI» DUK	
4. Экспертизы	«QALIYA G'ISHT» XK	
5. Генеральный подрядчик	Местный бюджет	
6. Источник финансирования		
7. Срок начала и окончания строительства	2022 г.	

8. Основные показатели стройки:	По ПСД	Остаток на 01.01.2022 г.
Мощность (в соответств. Единицах измерения)	988 000,0	

## Раздел II/Поквартальная разбивка прогноза на 2022 год

	Всего за год	По кварталам			
		I	II	III	IV
Узбекистон темир йўллари Жиззах шахар худуди “Улугбек” МФИ	988 000,0				988 000,0
кисмини ахоли томонини ўраш (4 метрлик темир девор) ишлари					

тыс. сум

Подрядчик! «QALIYA G'ISHT» XK  
Рахоари  
Ж.Турсунбоев



Заказчик: Жиззах шахар Ободонлаштириш бошқармаси  
Рахоари  
А.Кобилов





## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING FARMOYISHI

20 22 yil « 10 » avgust

№ 438-F

Toshkent sh.

ХДФУ  
-нусха

“Тошкент–Самарқанд” темир йўли йўналиши бўйлаб жойлашган турар ва нотурар жойлар, муҳандислик тармоқлари ва инфратузилма обьектларини тартибга келтириш, шунингдек, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини янада жадаллаштириш мақсадида:

1. Юқори тезлиқда харакатланувчи “Афросиёб” электропоездининг “Тошкент–Самарқанд” темир йўли йўналиши бўйлаб жойлашган турар ва нотурар жойлар, муҳандислик тармоқлари ва инфратузилма обьектлари ташқи кўриниши (фасад қисми)ни тартибга келтириш, шунингдек, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари Тошкент, Сирдарё Жиззах, Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Курилиш вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳокимликларининг “Тошкент–Самарқанд” темир йўли йўналиши бўйлаб жойлашган турар жойларнинг ташқи кўриниши (фасад қисми)ни тартибга келтириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари (кейинги ўринларда – ободонлаштириш ишлари) учун республика бюджетидан маблағ ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда иш ҳаки, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини, шунингдек, айrim хизмат турлари бўйича тарифларни ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун режалаштирилган маблағлар ҳисобидан Тошкент вилояти маҳаллий бюджетига – 15 млрд сўм, Сирдарё вилояти маҳаллий бюджетига – 8,5 млрд сўм ва Жиззах вилояти маҳаллий бюджетига – 6,5 млрд сўм маблағ ажратилишини таъминласин.

4. Курилиш вазирлиги ободонлаштириш ишларининг намунавий лойиҳа таклифларини бир ҳафта муддатда Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилояти ҳокимликларига тақдим қилсин.

5. Белгиланисинки:

республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига бажариладиган ободонлаштириш ишлари учун тегишлича шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг ободонлаштириш бошқармалари буюртмачи (кейинги ўринларда – буюртмачи) ҳисобланади;

асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ ободонлаштириш ишлари учун буюртмачиларга 30 фоиз микдорида аванс маблағлари ажратишга ҳамда зарур курилиш материалларини харид қилиш учун 100 фоиз олдиндан тўловни амалга оширишга, истисно тариқасида, рухсат берилади;

Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳокимлари буюртмачига ободонлаштириш ишлари учун ажратилган маблағларнинг мақсадли ўзлаштирилиши бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

6. Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ушбу фармойишга асосан ажратилаётган маблағларнинг белгиланган мақсадларда оқилона ва мақсадли сарфланиши юзасидан назорат ўрнатсин.

7. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**



## JIZZAX VILYOYATI JIZZAX SHAHAR HOKIMINING FARMOYISHI

2022 - yil 24 - avgust

132-3-55-F/22

Jizzax shahar hokimligi

**Жиззах вилоят ҳокимининг 2022 йил 19-августдаги 278-3-0-F/22-сонли фармойишига асосан “Тошкент-Самарқанд” темир йўли йўналиши бўйлаб жойлашган турар ва нотурар жойлар, мухандислик тармоқлари ва инфратузилма обьектларини тартибга келтириш, шунингдек, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларини янада жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5-, 6- ва 25- моддаларига асосан маблағ ажратиш тўғрисида:**

1. Жиззах вилоят ҳокимининг 2022 йил 19-августдаги “Тошкент-Самарқанд” темир йўли йўналиши бўйлаб жойлашган турар ва нотурар жойлар, мухандислик тармоқлари ва инфратузилма обьектларини тартибга келтириш, шунингдек, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларини янада жадаллаштириш мақсадида маблағ ажратиш тўғрисидаги 278-3-0-F/22-сонли фармойиши ижро учун қабул қилинсин.

2. Шаҳар молия бўлими (А.Абдужалилов)га “Тошкент-Самарқанд” темир йўл йўналишининг Жиззах шаҳридан ўтган қисмини турар ва нотурар жойлар, мухандислик тармоқлари ва инфратузилма обьектларини тартибга келтириш, шунингдек, ободонлаштириш ишлари учун вилоят маҳаллий бюджетининг даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан шаҳар маҳаллий бюджетига ажратиб берилган 5,0 млрд.сўм маблагни шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармасига режалаштириш вазифаси юклатилсин.

3. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаси (А.Қобилов)га ажратилган маблағдан мақсадли ва самарали фойдаланиш вазифаси топшарилсин.

4. Жиззах шаҳри бўйича Ғазначилик бўлинмаси (Ш.Файзиев)га Жиззах шаҳар ҳокимлиги томонидан UzAsbo дастурий мажмуасидан электрон жўнатилган хужжатларга асосан белгиланган тартибда ўтказиб берилиши таъминлансин.

5. Ушбу фармойиш ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Эргашев ва хоким ўринбосари Х.Оналбоевлар зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими



К.Холмуродов



## JIZZAX VILOYATI JIZZAX SHAHAR HOKIMINING FARMOYISHI

2022 йил «29» август

133-3-55-F/22

Жиззах шаҳар ҳокимлиги

### Жиззах шаҳар ҳокимининг 2022 йил 24 августдаги 132-3-55-F/22-сонли фармойишига ўзгартириш киритиш түғрисида

Жиззах шаҳар ҳокимининг 2022 йил 24 августдаги 132-3-55-F/22-сонли фармойишида шаҳар маҳаллий бюджетидан ажратилиши кўзда тутилган маблағларнинг манбаларини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти түғрисида”ги Қонунининг б-моддасига асосан

1. Жиззах шаҳар ҳокимининг 2022 йил 24 августдаги 132-3-55-F/22-сонли фармойиши 4-бандидаги “Жиззах шаҳар ҳокимлиги” сўзи “шаҳар ҳокимлиги хузуридаги ободғилаштириш бошкармаси” сўzlари билан алмаштирилсин.
2. Ушбу фармойиш ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Эргашев зиммасига юклансин.

Шаҳар ҳокими

К.Холмуродов

